Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 106 (5397).
11 МАЙ 1984 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг ПБИП Марказий Комитети Биринчи секретари, ПХР Министрлар Советининг Раиси Ж. Ярузельский билан Москвада ўтказган музокаралари якунларини кўриб чиқди. Совет Иттифоқи билан Польша Халқ Республикаси ўртасидаги ҳамкорликнинг барча соҳаларини муттасил чуқурлаштириш ва кенгайтириш учун бу музокараларнинг жуда муҳим аҳамияти таъкидланди. В. Ярузельскийнинг визити давомида имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳардошларча муносабатларни мустаҳкамлайдиган бу муносабатларни ривожлантириш ва такомиллаштиришда катта қадам бўлади.

Совет Иттифоқи ва Польша раҳбарларининг музокаралари халқаро вазиятнинг барча актуал проблемалари хусусидаги фикрларнинг бирлиги билан характерланади. Совет Иттифоқи ва Польша Варшава Шартномасида қатнашувчи бошқа давлатлар билан биргаликда социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг революцион ғалабаларини ҳимоя қилишга, инсоният ядро ҳалокати хавфидан халос этишга қаратилган қатъий ва амалий йўлни бундан буён ҳам ўтказаверадилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси Совет-Польша музокараларининг якунларини, ўртоқ К. У. Черненконинг бундан буён ҳам КПСС Польшадаги танглик оқибатларини тугатишда, ўз мамлакатида социализмни мустаҳкамлаш учун курашда Польша Бирлашган ишчи партиясини, ПХР меҳнаткашларини авваллигидек ҳар томонлама қўллаб-қувватлай беришга, тинчликни сақлаб қолиш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ишида кардош социалистик давлатларнинг бирлигини кучайтира беришга тайёр, деб билдирган фикрини тўлатўкис маъқуллади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида бу йилги ҳосилни ўриб-йиғиб олишни, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ем-хашак тайёрлашни, шунингдек 1984/85 йилги даврда чорва қишловини муваффақиятли ўтказишни таъминлаш юзасидан СССР Министрлар Совети ишлаб чиққан қўшимча тадбирлар қўллаб-қувватланди. Техника ва транспорт воситалари ремонтини жадаллаштириш, ўрим агрегатларини малакали механизатор кадрлар билан мустаҳкамлаш, омборлар, чорвачилик бинолари ва ем-хашак цехлари қуриш, қишлоқ хўжалигидаги меҳнатнинг ташкил этилишини яхшилаш юзасидан тегишли партия, совет ва хўжалик органларига, колхоз ва совхозларга конкрет топшириқлар белгилаб берилди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси нефть ва нефть маҳсулотлари ресурсларини кўпайтириш, улардан халқ хўжалигида тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бир қанча янги тадбирларни белгилади. Бу қимматбаҳо энергетика ҳом ашёсидан тежаб ва комплекс равишда фойдаланиш проблемаси жуда муҳим умумдавлат, умумпартиявий аҳамиятга эга эканлиги ва барча партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг доимо диққат марказида бўлиши кераклиги таъкидланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида маҳсулотни стандартлаш ва унинг сифати юзасидан белгиланган қоидаларга қатъий риоя этилиши учун масъулиятни ошириш тўғрисидаги, Украина ССР ерларини мелиорациялашни янада ривожлантириш ҳақидаги масалалар, шунингдек Коммунистик партия билан Совет давлати иқтисодий ва социал сиёсатининг бошқа баъзи масалалари кўриб чиқилди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан Испания қироли Хуан Карлос I ва қиролича София расмий визит билан 10 май куни Москвага келдилар.

Аэродромда меҳмонларни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико рафиқаси билан, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР маданият министри П. Н. Демичев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.



Шаҳарнинг ишга туширилаётган объектларида

КЎКДАГИ ТОМОШАГОҲ

(Репортаж)

Тошкентнинг уч юз етмиш беш метрли радиотелевизион минораси кўкка мағрур бўй чўзиб турибди. Ҳозирда 11-«Висотстрой» трестининг 69-қурилиш бошқармаси қурувчиларини унинг «юз» ва «икки юз» метр баландлигида учратасиз. Худди мана шу жойларда «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи» Пётр Емельянович Костенко бошлиқ комплекс бригада меҳнат қилмоқда.

Зиналар орқали биринчи белгигача чиқамиз. Бу ердан шаҳарнинг гўзал манзараси намоён бўлади. Лекин монтажчилар бунга эътибор беришмайди. Чунки бу ер уларнинг ҳар кунги иш жойи. Виктор Ремизов, Владимир Дудин ва Долгат Каримовлар темир панжараларни, қуёш тўсқинч мосламаларни монтаж қилишяпти. Бу ерда «юз метр» баландликдаги белгида асосан умумий қурилиш ишлари тугалланган. Владимир Летучий ва Николай Жирний ишлаётган «икки юз» метр баландликда ҳам ишлар охирлаб боряпти. Қурувчиларнинг кайфиятлари яхши, улар график бўйича боришяпти. Янги телеминора хоналари ўз вақтида пардозлашга топширилмоқда.

Пастда эса бетон ишлари олиб бориляпти. Бу ерда донгдор бригадалардан бирк — Владимир Стратулатов бошлиқ коллектив меҳнат қиляпти. Николай Авраменко, Назар Абдуллаев, Муҳаммад Бакиров металл конструкцияларни ромларни тез ва соз монтаж қилишяпти. Уларнинг асосий касблари электр пайвандчилик. Бироқ, телеминора қурилиши мобайнида улар бир неча турдош касбларни пухта эгаллаб олишган. Ҳозир бригадада у ёки бу ишчининг ўрнини босиш илгаригидек муаммо эмас.

— Объектда биз қарийб умумий қурилиш ишларини ниҳоясига етказдик, — дейди 11-«Висотстрой» трестининг 69-қурилиш бошқармаси участка бошлиғи Акрам Акбаровий Аҳмаджонов. — Эндиликда асосий масъулият ҳали ишга киришмаган кўпгина ёрдамчи-пудратчи ташкилотларнинг зиммасига ётади. «Таштрансспецстрой» трестининг 2-қурилиш бошқармаси хатти-ҳаракати бизни— бош пудратчи сифатида жуда ташвишлантиряпти. Улар ёмғир ёғдирувчи ва канализация мосламаларини ўрнатиш ишларини тўхтатиб қўйдилар. Шунингдек, «Минмонтажспецстрой» бўлинмалари, кўкаламзорлаштирувчи бошқармаси коллективларининг иш суръати бизни қаноатлантирмайди. Ҳозир қилинаётган ишларни бундан ҳам яхши, тез ва соз қилиб бажариш мумкин.

Янги телеминора юбилей объекти ҳисобланади. У Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейига ишга туширилиши керак. Шунинг учун ҳам бутун куч-имкониятларни ана шу эзгу ниятни амалга оширишга қаратмоқ лозим.

* * *

СУРАТЛАРДА: янги радио-телевизион минора; коммунистик меҳнат зарбдорлари (чапдан-ўнгга) А. Калимушин, В. Стратулатов, Р. Зайнуллин, Й. Турдиев, ва Н. Авраменко.

М. Нуриддинов фотолари.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

ТЕЗ СУРЪАТ БИЛАН СИФАТЛИ ҚУРАЙЛИК

10 май куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь, 1984 йил февраль ва апрель Пленумларининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг ПБИП Марказий Комитети Биринчи секретари, ПХР Министрлар Советининг Раиси Ж. Ярузельский билан Москвада ўтказган музокараларининг якунлари кўриб чиқди. Совет Иттифоқи билан Польша Халқ Республикаси ўртасидаги ҳамкорликнинг барча соҳаларини муттасил чуқурлаштириш ва кенгайтириш учун бу музокараларнинг жуда муҳим аҳамияти таъкидланди. В. Ярузельскийнинг визити давомида имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳардошларча муносабатларни мустаҳкамлайдиган бу муносабатларни ривожлантириш ва такомиллаштиришда катта қадам бўлади.

Совет Иттифоқи ва Польша раҳбарларининг музокаралари халқаро вазиятнинг барча актуал проблемалари хусусидаги фикрларнинг бирлиги билан характерланади. Совет Иттифоқи ва Польша Варшава Шартномасида қатнашувчи бошқа давлатлар билан биргаликда социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг революцион ғалабаларини ҳимоя қилишга, инсоният ядро ҳалокати хавфидан халос этишга қаратилган қатъий ва амалий йўлни бундан буён ҳам ўтказаверадилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси Совет-Польша музокараларининг якунларини, ўртоқ К. У. Черненконинг бундан буён ҳам КПСС Польшадаги танглик оқибатларини тугатишда, ўз мамлакатида социализмни мустаҳкамлаш учун курашда Польша Бирлашган ишчи партиясини, ПХР меҳнаткашларини авваллигидек ҳар томонлама қўллаб-қувватлай беришга, тинчликни сақлаб қолиш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ишида кардош социалистик давлатларнинг бирлигини кучайтира беришга тайёр, деб билдирган фикрини тўлатўкис маъқуллади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида бу йилги ҳосилни ўриб-йиғиб олишни, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ем-хашак тайёрлашни, шунингдек 1984/85 йилги даврда чорва қишловини муваффақиятли ўтказишни таъминлаш юзасидан СССР Министрлар Совети ишлаб чиққан қўшимча тадбирлар қўллаб-қувватланди. Техника ва транспорт воситалари ремонтини жадаллаштириш, ўрим агрегатларини малакали механизатор кадрлар билан мустаҳкамлаш, омборлар, чорвачилик бинолари ва ем-хашак цехлари қуриш, қишлоқ хўжалигидаги меҳнатнинг ташкил этилишини яхшилаш юзасидан тегишли партия, совет ва хўжалик органларига, колхоз ва совхозларга конкрет топшириқлар белгилаб берилди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси нефть ва нефть маҳсулотлари ресурсларини кўпайтириш, улардан халқ хўжалигида тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бир қанча янги тадбирларни белгилади. Бу қимматбаҳо энергетика ҳом ашёсидан тежаб ва комплекс равишда фойдаланиш проблемаси жуда муҳим умумдавлат, умумпартиявий аҳамиятга эга эканлиги ва барча партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг доимо диққат марказида бўлиши кераклиги таъкидланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида маҳсулотни стандартлаш ва унинг сифати юзасидан белгиланган қоидаларга қатъий риоя этилиши учун масъулиятни ошириш тўғрисидаги, Украина ССР ерларини мелиорациялашни янада ривожлантириш ҳақидаги масалалар, шунингдек Коммунистик партия билан Совет давлати иқтисодий ва социал сиёсатининг бошқа баъзи масалалари кўриб чиқилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети

«Ҳунар-техника таълими системасини янада ривожлантириш ва малакали ишчи кадрлар тайёрлашда унинг ролини ошириш тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Мазкур қарорнинг баёни бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

ОЗОД ЭТИЛГАН ДУНЁ ҲЕЧ УНУТМАЙДИ...

Совет халқи Улуғ Октябрь байроғи остида ленинчи коммунистлар партияси раҳбарлигида гитлерчи галаларни тор-мор қилди. Улуғ Ватан урушининг даҳшатли жангларида ҳалок бўлганларнинг номлари ҳеч қачон унутилмайди... Порлоқ Ғалаба байрами кунида одамлар эрта тонгдан кечгача В. И. Ленин номидаги майдонга, парадлар ҳиёбонидаги Номаълум солдат қабрига, қарбийлар қабристонига, уруш йилларида Тошкент госпиталларида вафот этган яралар жанчиларнинг хоки қўйилган мотамсаро она ҳайкали ёнига келдилар.

Ильич ҳайкали пойи ранг-баранг гуллар билан қопланди. Номаълум солдат қабрига, социалистик Ватаннинг озодлиги ва мустақиллиги учун жонини фидо этган жангчиларнинг муқаддас қабрларига гулчамбарлар қўйилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советидан, Қизил байроқ орденли Туркистон қарбий округининг қарбий кенгашидан, Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитетидан, Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетидан, Улуғ Ватан урушининг ветеранларидан, меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотларидан гулдасталар ва гулчамбарлар қўйилди.

Гулдасталар ва гулчамбарлар қўйиш тантанали маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Б. Усмонхўжаев, Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуратов, И. Г. Анисимкин, Г. Ҳ. Қодиров, Ю. П. Максимов, В. К. Михайлов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, В. А. Головин, У. У. Умаров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси ва республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари ҳозир бўлдилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми соғлиқни сақлаш системасида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Ўрта Осиё медицина педиатрия институтининг кафедра мудири ўртоқ Босит Алиевич Охунжоновни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми адабиёт соҳасидаги хизматлари учун ёзувчи Андрей Владимирович Станишевскийни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

• ИЛМ-ФАН—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ЛАЗЕР НАЗОРАТ ЭТАДИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси электроника институтида яратилган лазер установкаси металларга ишлов бераётганда, ундаги зарра аралашмаларни, нуқсонларни аниқлаши учун бир секунд ҳам вақт кетмайди. У металларни пайвандлаш, легирлаш, маҳкамлаш сифати устидан назорат қилишни анча енгиллаштиради. Установка лазер спектрограф ва электрон кучайтиргичдан иборат.

Диагноз қўйиш янги методини яратиш йўли қизиқарли. Олимлар турли металларнинг юзидан электронлар бўлиниб турганида унга нур таъсирини ўрганаётиб, металлнинг температураси юзига нисбатан ўнлаб ва юзлаб градус юқори эканлигини аниқладилар. Бу сирни тушунтириб бериш учун жараёнларнинг назарий моделини тузишга тўғри келди. Лекин назария бошқа бир ҳодиса — электронларнинг ўзи шуълаланишини ҳам кўрсатди. Тез орада бу нарса мис намуналарда тажриба йўли билан текшириб кўрилди. Металларга ишлов бериш диагностикаси замирига шу ҳодиса қўйилди.

Эришилган натижалар келажакда илмий ечим амалда қўлланадиган соҳани кенгайтиришга имкон беради. Мисол учун электрониканы олиш мумкин. Лазер нури билан куйдириш орқали турли ярим ўтказгич моддалар тайёрлашда уларнинг юзида ғоят соф материаллар ҳосил қилиш, бинобарин деталларни янада сифатли, пухта ва кўпга чидайдиган қилиш мумкин бўлади.

КОСМОСДАН—ЕР БАҒРИГА

Ишчилар олимлар илгари кўрсатган нуқтага разведка парма установкасини монтаж қилиб, қудуқ пармалай бошладилар ва ундан газ чиқди. Бу воқеа Бухоро —Газли нефтгаз участкаси пунктларидан бирида рўй берди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Х. М. Абдуллаев номидаги геология ва геофизика институтининг ходимлари пармаланадиган жойни олдиндан белгилаб берган эдилар. Улар шу жойда газ борлигини ернинг космосдан туриб олинган суратларидан аниқладилар.

Олимларнинг прогнозлари қизиқ бир ҳодисага асосланади. Яқин масофалардан кўзга қўринмайдиган литосферанинг заиф зоналари — линеаментлар космик узоқликдан қарагандагина етарлича равшан кўринар экан, ер юзида кўзга зўр-базўр илинадиган халқа структуралар — айланма дўнглик ёки чуқурликлар ҳам космонавтларга равшан кўринар экан. Эксперимент линеаментлар бир-бири билан ёки халқа структуралар билан кесишган жойларда рудали ёки нуруда фойдали қазилмалар ётишини, халқалар миқёсидан эса нефть, газ, сув бўлишини кўрсатди.

Институт регионал ва динамик геология бўлимининг мудири, геология-минералог и я фанлари доктори, профессор Олег Матвеевич Борисов бундай деди:

— Ўзбекистонлик геолог олимлар космосдан туриб олинган суратлар асосида ишлаб чиққан Ўрта Осиё линеаментлари ва халқа структураларининг харитаси ер бағри разведкачиларига бебаҳо ёрдам бермоқда. Шу харита ҳозир СССР Халқ Хўжалик Ютуқлари Виставкасида кўрсатилмоқда. Бу карта сейсмологларга ҳам наф келтириши мумкин: кучли зилзила ўчоқлари линеаментларга яқин бўлади, деган гипотеза бор. Ҳар ҳолда линеамент кўп бўлган жойда зилзилалар ҳам тез-тез бўлиб туради.

(ЎзТАГ).

ҲАМШАҲАРЛАР, СИЗЛАР УЧУН

ЯНГИ ПАССАЖИР ПАВИЛЬОНИ

«Тошжелдорпроект» лойиҳа институтида А. Кадацкий, К. Жўраев раҳбарлик қилаётган ходимлар группаси «Қизил тўқимачи» темир йўл станциясида бунёд этиладиган янги пассажир павильонининг лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Бу павильон асосан жанубий йўналишдаги поездларни қабул қилиш ва жўнатиш учун хизмат қилади. Павильонда кутиш зали, билет кассалари, юкларни сақлаш камераси, справка бюроси, алоқа бўлими, медицина пункти ва буфет ишлайди.

Ўйғма темир-бетон панеллар ва металл конструкциялардан бунёд этиладиган бу павильоннинг ички хоналарни овоз ютадиган плиталар билан безакланади. Бундан ташқари чиройли тусдаги мармар, манзарали металл панжаралар ва рангдор пластика ишлатилади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети архитектура-планлаштир и ш Бош бошқармасининг шаҳарсозлик кенгаши янги лойиҳага юқори баҳо берди.

ИППОДРОМДА БАЙРАМ



9 май куни Тошкент ипподроми алвон ранг байроқлар ва баҳор гулларига бурканди. Бу ерда Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг 39 йиллигига бағишланган митинг ва спорт байрами бўлиб ўтди.

Митингда сўзга чиққан ўртоқлар инсониятни фашист босқинчиларидан халос қилган кишиларнинг жасорати унутилмаслиги, уларнинг хотираси ҳамиша авлодлар қалбида яшаши тўғрисида гапирдилар. Ўзбекистон меҳнаткашлари ғалаба кунини янги-янги меҳнат зафарлари билан кутиб олиб, КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитети кейинги Пленумлари қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёздирганликлари, планетада тинчликнинг таянчи совет мамлакатининг мудофаа ва иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлаш ишига ўзларининг бутун куч, билим ва ғайратларини сарфлашлари айтиб ўтилди.

Республика физкультурачилари, Ўзбекистон ССР ДОСААФ спортчиларининг паради бўлиб ўтди. Ўз маҳорати билан совет спорти шуҳратини ошираётган спортчилар минбарлар олдидан ўтдилар. Энг кучли акробатлар, боксчилар, курашчилар, гимнастикачилар, енгил атлетикачилар ва спорт бошқа турларининг намояндалари ипподром майдонида ўз маҳоратини намойиш қилдилар. Сўнгра Козоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг энг яхши чавандозлари майдонга чиқиб, «Ғалаба», «Тинчлик», қаҳрамон шаҳарлар номидаги совринларни олиш учун беллашдилар. Профессионал ва ҳаваскор ижрочиларнинг концертлари мана шу баҳор байрамини безади. Очиқ саҳнада куй, қўшиқ ва рақс кечгача давом этди.

(ЎзТАГ).

* * *

Суратларда: спорт байрамидан лавҳалар.

В. Молгачев фотолари.



• *Идеология ишлари кундалиги*

ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИГА ЭЪТИБОР

«Билим» жамияти Куйбишев район бошланғич ташкилоти лекторларини аттестациядан ўтказишнинг дастлабки босқичи ниҳоясига етди. 70 дан зиёд ташкилот аттестациядан ўтказилди. Бошқача қилиб айтганда, 2,5 мингдан зиёд лекторлар ўқиган лекциялар сифати ҳар томонлама таҳлил этилди, тингловчиларнинг фикр ва мулоҳазалари умумлаштирилди.

Олий партия мактаби, олий милиция мактаби, «Ташкент трактор заводи», «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмалари, лак-бўёқ заводининг «Билим» жамияти бошланғич ташкилотлари лекция пропагандаси савиясини тобора оширишга эришмоқдалар. Лекция пропагандасини кучайтиришга қаратилган қатор тадбирлар белгиланди.

• *Маданият хабарлари*

Гастролга жўнаб кетишди

Тошкентдаги Октябрь район маданият уйининг халқ вокал-хореография ансамбли «Баёт» янги концерт программаси билан гастроль бериш учун Югославияга жўнаб кетди. Ҳаваскорлар коллективи икки ҳафта мобайнида Белград, Македония шаҳарлари ва қишлоқларида 25 концерт беради.

(ЎзТАГ).

Ш У КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Фрунзе райони корхоналарининг коллективлари йил бошидан бери Сифат белгиси бўлган 25 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Районда ўнлаб буюмлар — тўқимачилик машиналари, қурилиш материаллари, абразив буюмлари, газламалар, пойафзаллар ва бошқа маҳсулотлар фахрли беш қиррали белги билан нишонланмоқда. Бу йил район индустрияси олий сифат категорияси билан 73 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Бу ялпи ишлаб чиқариш ҳажмининг 14,1 процентини ташкил этади.

ОБ-ҲАВО

▲ Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 16 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво бироз булутланиб турса-да, ёғингарчилик бўлмайди, кечаси 9—14, кундузи 23—28 даража иссиқ бўлади.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

• *Пойтахтнинг ноёб иншоотлари қурилишида*

ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ

ГАЗЕТХОН ФОТОРЕПОРТАЖИ

КПСС XXVI съезди қарорларини оғишмай амалга ошириб келаётган 11-«Висотстрой» трести коллективи ажойиб меҳнат зафарларини қучмоқда. Чунки ўтган йил якунларига кўра трест коллективи партия ва ҳукуматимизнинг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди. Айни пайтда висотстройчилар Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, беш йилликнинг тўрт йиллик планини муддатидан илгари бажариш учун курашмоқдалар. Трест коллективи ютуғига «Спецжелезобетон» қурилиш-монтаж бошқармасининг Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери Мухтор Ҳабибуллаев бошлиқ бригадаси муносиб ҳисса қўшиб келяпти.







Ф. Фатхисламов фотолари.

Мухтор Ҳабибуллаев... Унинг номи ҳар бир тошкентлик қурувчига яхши таниш. Мухтор ака тўққизинчи беш йилликда бир беш йилликда —икки беш йиллик топшириқни бажариш ташаббуси билан чиққан ва ўз сўзининг устидан чиқиб, кўкисига Ленин ордени таққан лабзи ҳалол, фидойи бунёдкорлардан бири. Мана у кўп йилдан буён Тошкент қурилишларида баракали меҳнат қилиб келяпти. Ўзи 6-разрядли монтажчи. Комплекслаштирилган бригада бошлиғи. Жонкуяр мураббий. Фаол жамоатчи...

Мухтор Ҳабибуллаев бошқараётган бригада «сандиғи»ни очсак, унда шаҳардаги энг ноёб иншоотларнинг лойиҳасини кўриш мумкин. В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали, В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги Саройи, «Москва» меҳмонхонаси, «Матлубот уйи» шулар жумласидандир. Бригада ўз ҳисобидаги рўйхатнинг сўнггисига «Коллектив фойдаланиш учун мўлжалланган ҳисоблаш маркази» биносини ёзиб қўйди. Айни пайтда ҳабибуллаевчилар Ленин проспекти ва Навоий кўчалари кесишган чорраҳада ўн етти қаватли ана шу мармар бинони бунёд этмоқдалар. Бригада пудрати методи асосида ишлаётган коллектив февраль ойида беш йиллик планни бажарди. Ҳозир ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига ишлаяпти.

— Коллектив фойдаланишга мўлжалланган ҳисоблаш маркази биноси қурилишини бундан уч йил муқаддам бошлаган эдик, — дейди бригадир М. Ҳабибуллаев. — Жами 2 миллион 456 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарамиз. Маррага яқинлашиб қолдик. Бригадамизда 46 киши бор. Унинг асосини комсомол-ёшлар ташкил этади. Ҳаммаси гайратчан, коллективимизда ўндан ортиқ миллат вакиллари бир оила фарзандларидек меҳнат қилмоқдалар. Ҳар бир қурувчи турдош касбларни пухта эгаллаб олган. Масалан, коллективимизнинг энг кенжаси Ю. Розбах 18 ёшда, шунга қарамай учта қурувчилик касбини эгаллаб олди. Бунинг ҳаммаси муваффақиятлар гарови бўлмоқда.

Шу кунларда бутун бригада асосий эътиборни Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига қаратмоқда. Юбилей олди социалистик мусобақага қўшилган Мухтор Ҳабибуллаев бригадаси бу шонли санага алоҳида меҳнат армуғони ҳозирлаяпти.

С. ҲАСАНОВА.

* * *

СУРАТЛАРДА:
1. Энг ёш монтажчи Ю. Розбах.
2. Монтаж пайтида.
3. Монтажчилар дам олиш вақтида.

МАРҒИЛОНДАН ХАТ

ҲАМЗАХОНЛИК КЕЧАСИ

Марғилон шаҳридаги «Совет» маҳалласида ўзбек совет адабиётининг классик вакили Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳридан таклиф қилинган олимлар қатнашдилар.

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг профессори, филология фанлари доктори Лазиз Қаюмов революция куйчиси, инсонпарвар шоир, драматург, композитор Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг маданиятимиз тараққиётига қўшган бебаҳо ҳиссаси ҳақида гапириб берди.

Шундан кейин республика Фанлари академияси А. С. Пушкин номли тил ва адабиёт институти илмий ходими, филология фанлари кандидати Наим Каримов, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати, ёзувчи Йўлдош Сулаймон Ҳ. Ҳ. Ниёзий асарларининг катта тарбиявий аҳамияти тўғрисида фикр юритдилар.

Кечада бадиий ҳаваскорлик коллективлари шоир шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар асосида концерт беришди.

М. МАҲМУДОВ.

● ҲУҚУҚ БИЛИМЛАРИ — ОММАГА

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида билим олаётган студент ёшлар ўртасида совет қонунчилигига оид тушунтириш ишларининг олиб борилиши ҳуқуқ бузилиши ҳолларининг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Чунончи, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети юридик факультети совет ҳуқуқ кафедрасининг ташаббуси билан география, геология, математика, журналистика факультетлари студентлари ва ўқитувчилари билан Собир Раҳимов районидаги маъмурий органлари вакилларининг учрашуви ана шу мақсадни кўзда тутган эди.

Юридик факультети совет ҳуқуқи кафедрасининг мудири, юридик фанлари кандидати, доцент З. М. Исломов милиция, суд, прокуратура органларининг фаолияти тўғрисида гапириб берди. Собир Раҳимов район Совети ижроия комитети ички ишлар бўлимининг бошлиғи Р. Сотиболдиев ҳуқуқ бузувчи шахсларга қарши кураш борасида жамоатчилик ёрдамида амалга оширилаётган кенг кўламдаги профилактик ишлари ҳақида сўзлади.

Прокуратура органларининг қонунчиликни мустаҳкамлашдаги тутган роли ҳақида район прокурори А. Ш. Мирзалиев, судлов ишлари бўйича халқ судлари район раиси Ғ. Абдусаломов гапирди. Талиб ўтишди. Йиғилганларнинг қизғин саволларига батафсил жавоб берилди.

Р. ЖЎРАБОЕВ,
М. САНДАЗИЗОВ,
юридик фанлар кандидатлари.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

Қизиқарли учрашув

Республика «Ёш гвардия» театри ижодий коллективи Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институти химия-технология факультети студентларининг меҳмони бўлди. Санъаткорлар ўзларининг ижодий режалари, спектакларининг яратилиш жараёни ҳақида ҳикоя қилиб бердилар. Сўнгра театрнинг «Отасининг қизи», «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари», «Гуноҳкор авлиё» сингари спектакларидан парчалар намойиш этилди. Мурод Ражабов, Ширин Азизова, Ҳусан Мусабоев каби артистлар ижро этган ролларга айниқса томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Факультет ўқитувчилари ва студентлари театр коллективига самимий миннатдорчилик билдирдилар, уларга гулдасталар тақдим этдилар.

Э. ХУШИЕВ.

... МАҚТАЙДИ ...

Эл хизматида

Насрулло ота Файзиев 50 йилдан буён сартарошлик касбида элга хизмат қилиб келади. Отахон ҳозир 80 баҳорни қаршилаётган бўлишига қарамай тетик ва бардам.

— Бунинг сири меҳнатда, — дейди ўзи билан суҳбатлашсангиз. — Хизматидан эл мамнун бўлаётганини сезган инсон қаримайди.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Насрулло ота Файзиев ҳозир Фрунзе районидаги Абдулла Авлоний маҳалласидаги 8-сартарошхонада хизмат қилади. Эллик йиллик хизмат давомида у кишн 50 дан ортиқ шогирд тайёрлаган. Тажрибали устанинг ўғиллари Лутфулла ва Абдуллажонлар ҳам ота касбини эгаллашган. Улар шу кунларда Шота Руставели номли кўчадаги маиший хизмат уйида ишлашмоқда.

Насрулло устанинг ўғиллари қандай ишлаётганига эса II Бутуниттифоқ сартарошлар кўрик-конкурси ғолиби нишони, Узбекистон ЛКСМ Марказий комитетининг Фахрий ёрлиқлари гувоҳ.

И. ҲАКИМОВ.

... ТАНҚИД ҚИЛАДИ

Тутун майдон

Бешёғочдаги Комсомол майдони автостанциясидан ўндан ортиқ маршрут бўйлаб автобус қатнайди. Майдонда доим йўловчи гавжум. Лекин кўп ҳолда улар бурнини рўмолча билан тўсиб турганини кўрасиз. Сабаби — майдонда турган автобусларнинг кўпининг моторн ўчирилмай, тутун пуркаб туради. Масалан 13-маршрут бўйнча қатновчи 72—74 ТНА, 72—78 ТНА, 30—57 ТНА номерли автобуслар.

Автобус бекор ишлаб турса қанча бензин беҳуда сарф бўлиши ҳаммага маълум., Афсуски, буни ҳамма ҳайдовчилар ҳам тушунавермайди. Наҳотки автобус тўхтаб тургач, моторни ўчириб қўйиш шунча қийин бўлса!

Б. ШОҲНАЗАРОВ,
студент.

● Маҳаллада нима гап?

Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ

Собир Раҳимов районидаги Абдулла Набиев номли маҳалла яқинда ташкил топган бўлишига қарамай ибрат олса арзийдиган масканга айланиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби маҳаллада яшил хазина — дов-дарахтлар ўтқазишга катта эътибор берилаётганида.

Бу ерда асосан мевали дарахтлар ўтқазилган ва бу иш пухта ўйлаб олиб борилган. Масалан, «Спутник» кўчасининг бошидан охиригача бир хил навдаги олма кўчати, «Чайка» кўчасига эса олча, ўрик, гилос экилган. Аҳолининг катта-ю кичиги уларнинг тагини юмшатиб, парваришлаб туришга эътиборни сусайтирмайди.

Ўтган йили маҳалла комитети яхши бир ташаббусни амалга оширди. Қичқириқариқнинг шу томонига йўлингиз тушса, баҳридилингиз очилиб, бир нарсага амин бўласиз: шаҳримизни обод ва кўркам қилиш ўзимизга боғлиқ экан!

Ҳ. ИУЛДОШЕВ.

● *Меҳнатинг—зийнатинг*

ЎТТИЗ ЙИЛ БИР КАСБДА

Ҳаётда шундай кишилар бўладики, улар инсонларга яхшилик қилишни бахт деб биладилар. Шундай кишилардан бири Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси газета-ҳарф териш цехи ходими — «Совет Ўзбекистони» газетасининг наққоши Орифжон Иброҳимовдир.

Орифжон ака ўзининг дилкашлиги, хушмуомалалиги, камтарлиги билан барчага ўрнак. Бу фазилатларн унга обрў-эътибор келтирди.

1953 йил март ойидан бери шу босмахонада ишлаб келмоқда. Унга Фахриддинқори ака Йўлдошев устозлик қилган. Орифжон ака устозини меҳр билан эслайди.

— У пайтларда газетани босмахонада тайёрлаш қийин эди. Станоклар етишмасди. Валик ва чўтка асосий роль ўйнарди. Кейин 10—15 йил ичида станоклар ўрнатилиб, қўл меҳнатига барҳам берилди. Илгарилари сарлавҳалар қўлда терилардн, ҳозир сарлавҳагача машинада терилади!

О. Иброҳимов 1964 йилдан буён КПСС аъзосидир. Ҳамкасбларидан Мирзоҳид Миршаропов «Қишлоқ ҳақиқати»да, Қодир ака Қодиров «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да наққош, Рифқат Гарипов «Совет Ўзбекистони»да верстқачи бўлиб ишлаб, барчага намуна бўлмоқдалар.



Йиллар, ойлар ўтди. Газета наққошининг тажрибаси ошди.

— Ишга келганимга 30 йилдан ошди, — дейди у,— бу йиллар мобайнида кўплаб шогирдлар етиштирдим. Улар ҳозир мен билан баб-баравар меҳнат қилмоқдалар. Шогирдларимдан Маҳмуд Сулаймонов «Ҳақиқати Узбекистон» газетасида, Жамол Абдураҳмонов «Ёш ленинчи» газетасида, Олимжон Ҳакимов «Саодат» журналида наққош бўлиб ишламоқдалар.

— Касбингиз ҳақида қандай фикрдасиз!— сўраймиз Орифжон акадан.

— Касбим жуда нозик. Игна билан қудуқ қазишдек мураккаб. Аммо касбимни севаман. Кимки касбига меҳр қўйса, ундан барака, обрў топади.

Орифжон ака ҳар куни эрталаб киоска олдида янги газеталарни ўқиётган кишиларни кўрганда ич-ичидан қувониб кетади. Шу газеталарнинг дунёга келишида ўзининг улуши борлигидан қалбн фахр ҳисларига тўлади. У икки марта Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган. 1978 йилда эса унга Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвони берилди.

— Партия ва ҳукуматимизга минг раҳмат! Биз, ишчиларга доимо катта ғамхўрлик қилиб, меҳнатимизга муносиб баҳо бермоқдалар, — дейди у.

Ҳалол меҳнати туфайли обрў-эътибор топган О. Иброҳимовга бундан буён ҳам доимо нурли тақдир ёр бўлаверсин.

Ҳ. ИНОҒОМОВ,
ишчи.

● *Маданият хабари*

МУЛЬТФИЛЬМ ҚАНДАЙ ЯРАТИЛАДИ?

«Ўзбекфильм» киностудияси қошидаги мультфильмлар ишлаб чиқариш бирлашмаси экран усталари билан Собир Раҳимов район мактаб ўқувчиларининг учрашуви болаларнинг севимли томошаси бўлган мультфильм асарларига бағишланди. Республика кинематографчилар союзи, Собир Раҳимов район маданият бўлими ва райондаги 3-маданият уйи томонидан 119-мактабда ташкил этилган учрашувга мультфильмлар яратувчи режиссёр-рассомлар М. Маҳмудов, И. Кривошеева ва бошқа ижодкорлар ташриф буюришди.

Мультфильм усталари ўқувчиларга болаларни ҳаяжонлантираётган фильмлар қандай яратилиши, уларни суратга олиш жараёнлари, шунингдек, ижодий режалари ҳақида гапириб бердилар. Учрашувда мактаб ўқувчиларининг мультфильмлар қаҳрамонлари тўғрисидаги фотовикторинаси ғолиблари ҳам аниқланди. 119-мактабнинг 5-«Б» ва 6-«А»-синф ўқувчилари викторина ғолиблари бўлдилар. Учрашув сўнгида «Ўзбекфильм» киностудиясида яратилган рангбаранг мультфильмлар намойиш этилди.

М. ОРТИҚОВ.

ЯНГИ РУБРИКА: ● ТОПИЛМАЙ — САРСОН ҚИЛАР

СЎРҒИЧ ҚИДИРИБ

Ҳаётимиз фаровон. Ҳамма нарса етарли. Лекин айрим ташкилотларнинг айби, лоқайдлиги оқибатида ўзи арзимаган кўринсада, аҳоли учун жуда зарур бўлган буюмлар, маҳсулотларнинг шаҳримиз магазинларида учрамаётганлиги ҳамшаҳарларимизни сарсон қилиб, асабини бузмоқда. Биз бундан буён «Топилмай—сарсон қилар» рубрикаси остида шаҳар магазинларн ва аҳолига хизмат кўрсатаётган бошқа объектларда топилмаётган, анқонинг уруғига айланиб бораётган буюмлар ҳақида газетхонларнинг хатларн ва мутасадди ташкилот раҳбарларининг шарҳини бериб борамиз.

* * *

Оиламизда янги фарзанд туғилди. Ҳаммамиз жуда қувондик, хурсанд бўлдик. Онаси кичкинтоймизга сўрғич олиб келишни тайинлади. Ишонасизми, шаҳримиздаги деярли барча дорихоналарни айланиб чиқиб, топа олмадим. Диққатим ошди. Нега энди аҳолини керакли маҳсулотлар билан таъминлаб туришни ўз зиммасига олган мутасадди ташкилотларнинг лоқайдлиги оқибатида ҳамшаҳарларимиз қийналишлари керак?

Ф. ЖЎРАЕВ,
Мажлисий кўчаси, 3-проезд, 36-уй.
Р. САЙФИТДИНОВ.
Слоним кўчаси, 12-уй, 5-квартира.

А. МЎМИНОВ,
шаҳар дорихоналар бошқармаси бошлиғи.

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам газетхонингг шикояти ўринли. Бугунги кунда шаҳар дорихоналарида сўрғичларнинг биронта хили йўқ. Бунинг асосий сабаби Киев шаҳридаги корхона томонидан бизга биринчи квартал учун ажратилган сўрғичлар ўз вақтида юборилмаганлигидир. Ўтган йили биз ана шу корхонага 1300 дона бандсиз ва 600 минг дона бандли сўрғичлар учун буюртма берган эдик. Ўлар талабимизни қондиришди ва биринчи квартал учун 550 минг сўрғич юборадиган бўлишди. Лекин ҳалигача олганимиз йўқ.

Биз корхонага шу йилнинг 13 март ва 10 апрель кунлари телеграмма юбориб, биринчи квартал учун ажратилган сўрғичларни олмаганлигимизни айтдик ва шошилинч равишда юборишларини сўрадик. Улар 30 март куни 406 минг дона бандсиз, 150 минг дона бандли сўрғичлар юборишганлигини хабар қилишди. Сўрғичлар келди дегунча шаҳар дорихоналарига чиқарамиз.

РЕДАКЦИЯДАН: Шаҳар дорихоналарида сўрғич ва бошқа дорн-дармонларнинг ўз вақтида бўлиб турнши учун, белгиланган маҳсулотларнинг ўз вақтида келиб турнши устидан назоратни кучайтириш зарур. Агар бошқармадагилар Киевдаги корхонага телеграммани 13 март кунн, яъни биринчи квартал тугалланаётган вақтда эмас, балки йилнинг бошида, яъни январь ойида юборнб, назоратни кучайтиришганда эди, бугунги кунда анқонинг уруғига айланиб қолган, топилмай, аҳолини сарсон қилаётган сўрғич шаҳар дорихоналарида турган бўлар эдн. Биз катталарга вагонга ортилибди, ҳадемай келиб қолар экан, деб тушунтирамиз. Ахнр кичкинтойларгачи! Уларга ўнта ваъдадан битта сўрғич яхшн.

Сизга қандай хизмат кўрсатишимиз керак?

ДАСТЎРИМОЛ КЎРГАН БОРМИ?

Мен кўпдан буён дастўрмол ва шнкта оша боғламларини ишлаб юрибман. Афсуски, бу нарсалар шундай катта шаҳар магазинларида топилмаяпти. Наҳотки шундай кичкина дастўрмолларни аҳолига етказиб бера оладиган бнрор корхона бўлмаса?

Б. НИШОНОВА,
студент.

ҚАЧОНГАЧА ШУ ҲОЛ?

«Тошкент оқшоми» газетасининг ҳафсиласда берилган эълонларидан бирида ҳар савдо Бош бошқармаси бўш шнша қопларни ўз вақтида қабул пунктларига топшириб сўраган. Аммо бизнинг Йўлдош шаҳрида шнша қабул пунктлари доим ёпиқ.

Бу ерда тоза ичнмлик сувн сотнлади. Бўш шнша келтирган одам олди-бердиси лекин орқаси очиқ пунктига 15 тийинлик шнша топшириб нечта Тўғрирогн, шунга қарамай бир бўлади. Бу ҳол қачонгача давом этиши мумкин!

Йўлдош шаҳрн 12, 13, 14-квартал аҳолиси номидан:

Н. КАРИМОВ.

АНҚОНИНГ УРУҒИ

Яхши нихтлар бозорда магнитофон сотиб олиб эдим. Орадан кўп ўтмай эҳтиётсизлнкни туфайли унинг колонкаси ишдан чиқди. Мана энди «Электроника—303» маркали магнитофонимга керакли нихтларни ишлаб Тошкентнн мағазинларидан юрибман. Қайси магазинга кирмай, қисқа қилиб айтганда, кўпдан буён жавоб тайёр.

Наҳотки шундай катта шаҳар магазинларида бирортасида шу буюм бўлмаса!

В. АЛИШЕРОВ,
Қорасув массиви, 6-уй, 13-квартира.

ОБИ-НОН ТАШВИШИ

Яқинда бир зарурият билан «Самарқанд» меҳмонхонасн олдида жойлашган нон дўконига кирдим. Ҳамма жуда хурсанд бўлиб кетди. Сотувчилар хушфеъл, маданиятли, нуқсон топилмайдиган дўкондан истагим тилагимни ҳушётмай оби-нон харид қилиш ҳузурини экан. Бу ерда ишлаётган аҳолига ҳавасимиз келди.

Биз яшайдиган Бектемир массивида эса ҳар бир тунлай бошқача. Бу ерда нон дўконидаги нон сарнят яхши тушмайди. 200 граммлик патир ўрнига 300 граммлик патир сотилади. Патирнинг ўзи ҳам бор ҳолос. Шунинг учун ҳам тезда тугаб қолади. Юқорида айтган дўконда сотилаётган оби-нон бизнинг массивдаги дўконларга келтирилса айни муддао бўларди.

А. ТЎЛАГАНОВ,
Улуғ Ватан уруши фронтовик валидн.

Г. МАҲМУДОВ.

ЛУҚМА

СЛЕСАРЬ ОЙЛИК ОЛАДИМИ-ЙЎҚМИ?

Қурувчи десанг тошкентлик болакай ҳам элнинг қурувчиларга ўйинини тўхтатиб жилмаяди, юзлари ёришиб кетади. Дунёнинг бошқа бирон шаҳрида бу олижаноб касб эгалари биздагича эъзозланмайди. Бунинг сабаблари кўп. Бу нарса фақат элнзилага боғлиқ эмас. Зилзила элнинг қурувчиларга ўйинини тўхтатиб жилмаяди, юзлари ёришиб кетади. Дунёнинг бошқа бирон шаҳрида бу олижаноб касб эгалари биздагича эъзозланмайди. Бунинг сабаблари кўп. Бу нарса фақат зилзилага боғлиқ эмас. Зилзила элнинг қурувчиларга ўйинини тўхтатиб жилмаяди, юзлари ёришиб кетади. Дунёнинг бошқа шаҳарларида қандай билмадик, бироқ Тошкентда бу сўз тилга олинса одамлар хўрсиниша. Тайёрланинг: шу сўзни айтаяпман: слесарь!

Март қуёшида исниб, болалигини эслаб ўтирган кампирнинг ўрнидан турнши учун унча-бунча янгилик таъсир ҳам қилмайди. Аммо слесарь келди денг, афти бужмайиб чопиб кетади. Чунки ҳар қандай сержаҳл одамнинг уйида ҳам слесарга доим иш топилади.

— Бу йил қиш совуқ келди,—деб узоқдан гап бошлабди газетхон З. Исмоилова. — Бизнинг уйимиздаги иситиш тармоғига эса совуқ сув ҳам йўқ, қулдираб ётибди. 23-уй-жойлардан фойдаланиш участкасининг слесарн И. Соатов ҳадеб мурожаат қилаверганимдан тоқатн тоқ бўлиб уйимга келди. Иситиш тармоғини текшириб бўлгач, «Агар яримтага [арок] пул берсангиз тузатилади», деб ошкора эълон қилди. Мен «Бу пулни кун бўйи ишлаб тополмайман», десам кўнгли нозик экан, ранжиб қолиб тармоқни умуман узиб қўйди. Эрим ишдан келиб «Пул сўраганда бергинде, чатоқ қилибсан», деб мени роса койндилар. Менинг эса слесарга берадиган ортиқча пулим йўқ...

Собир Раҳимов район уй-жойдан фойдаланиш трести 23-уй-жойлардан фойдаланиш участкасидаги бошлиқлар слесарь И. Соатовнинг тоғаси ёки амакиваччаси бўлмаса бундан тегишли хулоса чиқариб олар. Лекин, бизнн ҳозир бошқа бир муаммо қизиқтиряпти. Умуман слесарлар ойлик оладими ёки йўқми! Олса қанча ва наҳотки бу шундай тўкинсочин замонада бировга таъма қилмай яшаши учун етмаса!..

Ю. МУҲАМЕДОВ.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«ШИША ИДИШ МУАММОСИ»

Газетанинг шу йил 9 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола берилиб, унда Киров районида шиша идишлар қабул қилиб оладиган пунктнинг бузилиб кетганлиги танқид қилингнан эди. Редакция шаҳар савдо Бош бошқармасидан қуйидаги жавобни олди:

«Газетада босилган мақола Киров район озиқ-овқат савдоси бўлимининг барча магазин мудирлари иштирокида кўриб чиқилди ва мақола тўғри деб топилди. Ҳақиқатан ҳам София проспектидаги гвардия полковниги Хўжаев кўчаси кесишган бурчакда олдин шиша идишлар қабул қилиб оладиган пункт бор эди. Ҳозир бу пункт йўқ. Киров район Совети ижроия комитети қарорига биноан Барнаул кўчаси билан А. Пўлатов кўчаси кесишган бурчакда шиша идишлар қабул қилиб оладиган янги пунктнинг қурилиши учун жой ажратилди. Бу пункт шу йилнинг иккинчи кварталида ишга туширилади. Яна шунн маълум қиламизки, янги қабул пунктн ишга туширилгунга қадар гвардия полковниги Хўжаев кўчаси 90-уйда, Уста Ширин кўчаси 62-уйда шиша идишларни қабул қилиб оладиган пункт аҳолига хизмат кўрсатади».

Н. АҲМЕДОВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг бошлиғи.





ТОШКЕНТ АВИАКОРХОНАСИ — 60 ЁШДА

Республика қанотлари

Бугун Тошкент авиакорхонаси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тантанали нишонланмоқда. Эндиликда авиакорхона йўловчиларга хизмат кўрсатиш бўйича Москванинг Домодедово ва Внуково авиакорхоналаридан кейин мамлакатда учинчи ўринда туради. Мамлакатимизнинг бу йирик авиакорхонаси тарихи қандай бошланган, коллектив ўзининг 60 йиллик юбилейига қандай ютуқлар билан келди? Мухбиримиз Ю. Казаченконинг бу ҳақдаги саволларига Тошкент авиакорхонаси командири А. Ғ. Рўзметов жавоб беради:

— Арслон Ғопирович, суҳбатимиз авваллида авиакорхона бугун амалга ошираётган ишларини бундан 60 йил илгариги ишлар билан қиёслаб берсангиз.

— Бунинг учун атиги битта рақамни тилга олишнинг ўзи кифоя. 1924 йили Тошкент — Фрунзе — Олмаота биринчи ҳаво йўлида 143 йўловчи ташилган эди. Ҳозир эса ҳар йили аэропортимиз орқали ички ва халқаро ҳаво йўлларидан бўлаб учадиган 300 мингдан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатилмоқда. Тошкент авиакорхонаси ва Тошкент халқаро аэропорти Аэрофлотдаги энг йирик, айни пайтда энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган корхонадир.

—Шундай бўлса ҳам Олмаотага учган биринчи рейс ҳеч қачон вақтидан чиқмайди. Чунки у республика авиациясига асос солган эди.

— Албатта, ўша авиациямизга асос солинган дастлабки йилларда чинакамига қаҳрамонлик ишлари амалга оширилган эди. Ҳали учучилик такомиллашмаган самолётларда, амалда ҳеч қандай ер усти аэронавигация жиҳозлари бўлмасдан туриб тоғлар устида энг мураккаб учишлар амалга оширилган эди. Биринчи халқаро ҳаво йўли та асос солинган йиллар ҳам авиакорхонамиз учун унутилмас ҳисобланади.

— **Ўзбекистон авиалодлари халқаро ҳаво йўлларига қачондан бошлаб хизмат кўрсатишган?**

— 1928 йилнинг октябрида Кобул шаҳрига биринчи халқаро рейс учган эди. Шундан бошлаб мунтазам халқаро учишлар амалга оширила бошланди. Бу ўринда ҳам яна бир рақамни тилга олмоқчиман. Ўшанда Тошкентдан Кобулгача бўлган масофа (Термизда қўниб училадиган) олти соатда босиб ўтилган эди. Эндиликда замонавий ҳаво кемалари атиги 1 соатдан сал кўпроқ вақтда Тошкентдан Кобулга учиб бормоқда.

Йилдан-йилга Ватанимиз авиация техникаси такомиллашиб борди. Агар Тошкент авиакорхонаси ташкил топган дастлабки йилларда атиги олтита самолётга эга бўлган бўлса, 1929 йили самолётлар сони 25 тага етди. Ҳаво йўллари масофаси деярли икки бараварга ошди.

1930 йилдан бошлаб самолётларимиз Москвага мунтазам уча бошлади. Урушдан олдинги учинчи беш йилликда эса тошкентлик авиаторлар А. Н. Туполев конструкцияси бўйича яратилган тез учар ҳаво кемаларини ола бошлашди. Тўрт моторли Г—2 самолётлари ўша пайтда биринчи марта 50 дан ортиқ йўловчини манзилига етказиб қўярди. Ўша даврда энг замонавий ҳисобланган бу самолётнинг авиакорхонамиздаги биринчи учувчиси Раҳим Исҳоқов бўлган эди.

1936 йилдан бошлаб бундай типдаги самолётлар Тошкент—Москва—Тошкент трассасида мунтазам уча бошлади.

Улуғ Ватан уруши бошланиши арафасида Тошкент транспорт отряди СУ—47 ва НС—40 деб номланган янада замонавий самолётларга эга бўлди. Тошкентлик авиаторларнинг ўша даврдаги тинч меҳнати унча узоққа чўзилмади. Уларнинг кўпчилиги урушнинг биринчи кунларидан бошлаб фронтга йўл олишди. Мана, 1941 йилнинг 4 июлида бўлиб ўтган авиакорхона партия йиғилиши протоколидан кўчирма: «Ватанимиз мудофааси жиддий хавф остида турган, унга фашистлар раҳна солаётган айни шу дамларда биз ҳаммамиз якдил бўлиб Ватан ҳимоясига отланишимиз ва душманнинг тўла тор-мор бўлишигача курашишимиз зарур деб биламиз».

Фронтга биринчилардан бўлиб йўл олган авиаторлар орасида В. Орлов, А. Тайметов, В. Дронов (эндиликда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони), Ғ. Орипов (эндиликда СССРда хизмат кўрсатган учувчи), И. Фозилов ва бошқалар бор эди. Д. Коваль, Н. Рушков Б. Тихомолов, Г. Тарасов каби учувчиларимиз Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари бўлишди.

Улар билан биз ҳақли равишда фахрланамиз. Урушда жасорат кўрсатган бу авиаторларнинг номлари кўп минг сонли авиакорхонамиз коллективи рўйхатида абадий туради.

Бугунги кунда Тошкент авиакорхонаси Аэрофлот корхоналари орасидаги энг яхши хизмат бўлинмаларидан ҳисобланади. Бу ерда энг замонавий авиация техникаси моҳирлик билан бошқариляпти. Тошкент аэропорти энг юксак жаҳон стандартлари асосида жиҳозланган ва у Граждан авиацияси халқаро союзи (ИКАО) системасига кирган. Тошкентлик авиаторлар москваликлардан сўнг иккинчи бўлиб биринчи совет аэробусини — «ИЛ—86» самолётларини бошқаришни ўзлаштиришди. Ҳозир бу ерда Ватанимиз авиация техникасининг энг замонавий янгиликлари мунтазам қўлланяпти.

Биз ўзимизнинг бош вазифамизни ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этиш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллигини янги меҳнат ютуқлари билан кутиб олишда деб биламиз. Шуни айтиш керакки, зиммамизга олинган мажбуриятларни шараф билан бажариш учун барча имкониятлар етарли: йўловчилар, юк ва почта жўнатиш бўйича шу йилнинг тўрт йиллик планлари муддатидан илгари бажарилди, ёнилғи мойлаш материалларидан анча кўп тежаб қолинди. Бу эса республикамиз ва унинг Компартияси юбилейи нишонланаётган кунларда йил бошидан буён тежалган ёнилғи ҳисобига рейслар бажариш имконини беради.

Йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш бўйича мунтазам иш олиб борилаяпти. Бугунги кунда об-ҳаво шароитларидан бошқа ҳолларда рейсларнинг кечиктирилишига амалда йўл қўйилмаяпти. Тошкент — Москва — Тошкент, Тошкент — Ленинград — Тошкент ва бошқа бир қатор авиатрассалар намунали хизмат кўрсатиш трассаси номини олган.

Коллективимиз олдида юбилей йилида турган бош вазифа — планлар ва зиммамизга олинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини доимо ошириб боришдан иборат.

* * *

СУРАТДА: Тошкент аэропортининг бугунги кўриниши.

Т. Каримов фотолари.





• *Пойтахтимиз олий ўқув юртларида*

ЮКСАЛИШ БОСҚИЧЛАРИ

(ФОТОРЕПОРТАЖ)



Ўзбекистон ССР Маориф министрлигига қарашли республика рус тили ва адабиёти педагогика институти 20 йилдан ортиқ вақтдан буён миллий мактаблар учун рус тили ва адабиёти ўқитувчи кадрларини тайёрламоқда, дарс бериш методикаси проблемасини ишлаб чиқмоқда.

Институтнинг тўртала факультетида ўқитувчилар тайёрланяпти. Бундан ташқари бу ерда тайёрлов бўлими, Ўрта Осиё ва Қозоғистон олий ўқув юртлари учун рус тили ва адабиёти ўқитувчилари малакасини ошириш факультети ишлаб турибди. 1977 йилдан буён бу ерда кундузги ва сиртқи аспирантура ишлаб турибди. Ўтган ўқув йилида унинг базасида «Миллий мактабда адабиётларни ўқитиш методикаси», «Совет адабиёти», «Рус тили» каби янги ихтисосликлар ташкил этилди.

Олий ўқув юртида 276 ўқитувчи бўлиб, шундан 6 киши фан доктори, профессор ва 76 киши фан кандидати, доцентдир. Улар юқори малакали кадрларни тайёрлаш ишига ўзларининг бутун куч-ғайратларини сафарбар этишмоқда. Ўқув жараёнининг сифатини, студентлар билимини ошириш, уларнинг актив ҳаётий позициясини шакллантириш педагогика коллективининг диққат марказида турибди. Илмий тадқиқотларни ўқув жараёни билан муштарак бирлаштириш миллий мактабларда юқори малакали рус тили ўқитувчиларини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган комплекс масалаларни ҳал этиш имконини бермоқда. Олимлар республика олий ўқув юртлари, мактаблари, педагогика ўқув юртлари учун программалар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монографиялар тайёрлашмоқда. Бу ишлар мамлакатдаги марказий олий ўқув юртларининг олимлари билан яқин алоқада амалга оширилмоқда.

Институтда малака ошириш факультети муваффақиятли ишлаб турибди. Ўнда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари олий ўқув юртларининг рус тили ва адабиёти ўқитувчиларидан 1 минг 300 дан ортиқ киши малака оширди. Кейинги йилларда факультетга тингловчиларни қабул қилиш икки марта кўпайди. Педагогика билим юртларининг рус тили ва адабиёти ўқитувчилари ҳам 1981 йилдан буён унинг тингловчилари бўлишди.



Олий ўқув юртининг моддий-ўқув базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда. Бу ерда ҳар бири 400 ўринли иккита ётоқхона, 250 киши дам олиб даволанадиган санаторий-профилакторий қурилган, ходимлар учун 48 квартира бунёд этилган.

Бўлғуси мутахассислар ижодий изланиш вазиятида шаклланишмоқда. Бу ерда студентларнинг ихтисослиги ривожланиши гражданлик ғоявий шаклланиши билан бирга қўшиб олиб бориляпти. Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг рус тили ва адабиёти педагогика институти 1983 йил республика социалистик мусобақасида эришган юксак натижалари учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

* * *

СУРАТЛАРДА: Ҳар гал лекция бошланишидан аввал институт олдидаги майдон гавжум бўлиб кетади; рус тили ва адабиёти факультетининг деканн, профессор Х. Ғуломовнинг қизлари Гуландом ва Барно ота касбини давом эттиряпти, шу институтда ўқитувчилик қилишаяпти; телемарказ бўйича ўқув кўрсатувни эшиттиряпти ва бормоқда. Волейбол бўйича институт ғолиблари.

Т. Каримов фотолари.

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

Адибни хотирлаб

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети кутубхонасининг ўқув залида атоқли адиб Абдулла Қодирий туғилган куннинг 90 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Ўзбек филологияси факультети коллективи томонидан ташкил этилган кечага адибнинг фарзандлари, таниқли шоирлар, хушовоз хонанда ва созандалар меҳмон бўлиб келишди.

Кечани халқаро Фирдавсий мукофоти лауреати, профессор Шоислом Шомуҳамедов кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Иззат Султон Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида гапириб берди. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ҳалима Худойбердиева, Гулчеҳра Нуруллаева, шоирлар Усмон Азимов, Ҳуршид Давронларнинг буюк адибга бағишлаб ёзган шеърлари тингловчилар томонидан қизғин кутиб олинди. Кеча меҳмонлари — адибнинг фарзандлари Мақсуд Абдуллаев ва Ҳабибулла Қодирийлар Абдулла Қодирийнинг инсоний хислатлари, ўзларининг хотираларини сўзлаб бердилар.

П. ЧЎМБОЕВ.

Шонли санага бағишланди

Халқлар дўстлиги орденли Тошкент политехника институтида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 60 йиллиги шарафига бағишлаб «Бахт ва тинчлик учун!» шиори остида ўтказилган бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг фестивали бир неча кун давом этди. Фестиваль жюриси аъзоларининг синчковлик билан берган баҳоларига кўра институт кечки-сиртқи бўлими ҳаваскор санъаткорлари биринчи ўринни эгалладилар.

Фестивалнинг фахрий меҳмони, Ўзбекистон Театр жамияти правлениеси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мажид Қориев ўз таассуротини конкурс якунида қуйидагича ифода этди:

— Мен политехника институти ёш ҳаваскорларининг санъатимизга бўлган ҳавасини кўпдан бери кузатиб келаман. Шу институтнинг драматик тўгараги коллективи жаҳон классикасининг намуналари бўлган «Отелло» ва «Алишер Навоий» спектакларини Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театри саҳнасида намойиш этганида юзлаб томошабинлар уларнинг истеъдодини самимий олқишлаганлигининг гувоҳи бўлганман. Бир неча кун давомида институт қўчоғида республикамизнинг шонли юбилейига бағишлаб ўтказилган фестиваль эса ёшларнинг ҳақиқий санъат байрами бўлди, десам муболаға бўлмайди. Институт гарчи техникавий йўналишдаги кадрлар тайёрлашга мослашган бўлишига қарамасдан унинг қўчоғида кўплаб санъат истеъдодлари таълим олаётганлиги бизни қувонтиради. Биз институтнинг ёш санъаткорларига бундан кейин ҳам катта муваффақиятлар тилаймиз.

Г. СИДДИҚОВА.

Кратерга ун минг йил бўлган

Тарту шаҳридан сал наридаги чоғроқ бир тепалик Европадаги энг кекса метиорит кратерларидан бири бўлиб чиқди. Маҳаллий аҳоли уни Кулчатоғ деб атарди. Шу тепалик каталогда жойнинг номи билан «Цирикмяэ кратери» деб рўйхатга олинган.

Тадқиқотлар бу воқеа музлик чекинганидан кейин тез орада рўй берганлигини кўрсатди. Кўҳна ўсимликларнинг чанги ҳам шуни кўрсатиб турарди. Ўсимлик чанги ерда неча минг йиллаб сақлана олади. Балтика бўйидаги ўсимликлар ҳозир тахминан Тундрадаги сингари бўлганида Цирикмяэда метиорит порлаган. Сув ҳавзаси тубидан олинган ёғоч қолдиқларини радиоуглерод усули билан анализ қилиш энг аниқ санани кўрсатди: Цирикмяэ метиорит кратери бундан салкам ўн минг йил аввал вужудга келган экан.

(ТАСС).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЧССРда кўргазма

ПРАГА. Чехословакия озод этилган куни арафасида юзлаб кишилар Прагадаги халқаро саройининг кўргазма залига келдилар. Бу ерда ССРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар мувофиқлаштириш тўғрисида тузилган «Социалистик ҳамкорлик» мавзуидаги фотокўргазмаси ташкил этилган. Совет Иттифоқи Чехословакия ва бошқа қардош давлатларнинг эришган ютуқлари билан прагаликларгина эмас, шу билан бирга Чехословакиянинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларидан мамлакат пойтахтига келган меҳмонлар ҳам танишмоқдалар. ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари М. Якеш социализм мамлакатларининг кўп қиррали алоқаларини акс эттира олган фото усталарининг ишларига юксак баҳо берди.

Прагадан кейин кўргазма Словакия пойтахти — Братиславада очилади.

Чиқиндисиз ишлаб чиқариш

Венгриянинг «Темафорг бирлашмаси мутахассислари ишлаб чиқариш чиқиндисиз бўлиши мумкинлигини исботладилар.

Мохач ва Кунсентмиклош шаҳарларида тўқимачилик саноати чиқиндиларини қайта ишлайдиган иккита завод ишга туширилди. Маълумки, улардан тўқимачилик саноатининг чиқиндиларидан ҳозирги замон халқ хўжалигининг турли тармоқларида фойдаланиладиган ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши айниқса, муҳимдир.

Ҳозирги вақтда Венгрияда саноат чиқиндиларидан оқилона фойдаланишга онд ҳукумат программаси тўла амалга оширилмоқда. «Темафорг» бирлашмасининг иккита йирик корхонаси тўла реконструкция қилинганлиги ана шу программанинг энг муҳим босқичларидан бири бўлди.

Халқ тиббиётига амал қилиб

Танзаниянинг бир группа олимлари заҳарли илон чаққан одамларни даволаш усулларини узоқ вақт мобайнида ўргандилар. Маълум бўлишича, замонавий препаратлар даволашга ожизлик қилиб қолган ҳолларда халқ тиббиётининг анъанавий воситаларини кўпчилик ҳолларда муваффақиятли равишда қўллаш мумкин экан. Шу боисдан Маванза вилоятида махсус билим юртининг биринчи битирувчилари учирма бўлишди. Ун саккиз битирувчи диплом олди.

Планетада энг катта

Аргентинанинг пойтахти Буэнос-Айресни бемалол рекордчи шаҳар деб аташ мумкин. Буэнос-Айрес ўзининг энг узун кўчалари билан ҳар қанча фахрлана олади. Унинг ривадавия кўчаси 14, 16 километрга чўзилган бўлиб, кўча юзидаги уйларининг номерлари 11800 гача етган.

Энг кенг бульвар ҳам шу шаҳардадир. Бу Нузведоведе—Хулио бўлиб, у чети билан бу четигача 140 метрдир. Шу туфайли бу ерда югуриш бўйича мусобақаларни бульварнинг бўйига эмас, балки энига чопиб ўтказса ҳам бўлади.

Ҳудди шу ерда, Буэнос-Айресда планетадаги энг катта опера театри жойлашган. Колумба театрида театрларда бўладиган партер, амфитеатр, ложалардан ташқари олтита ярус бор.

Чекишга қарши

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида чекишга қарши аёвсиз кураш олиб борилмоқда. Никотинга қарши пропаганда ишларини олиб боришда айрим техника воситаларидан ҳам фойдаланилмоқда. Масалан швейцариялик инженерлар программалаштирилган конструкциядаги портсигар яратдилар. Дастлабки ҳафтада чекувчи ўз портсигаридан ҳар соатда биттадан сигарет олиши мумкин (олдинроқ олишга йўл қўйилмайди). Иккинчи ҳафтада эса бир ярим соатда битта, кейинчалик муддат уч—тўрт соатга чўзилади.


Японияда ишлаб чиқарилган зажигалкада эса бироз юмор ҳам бор. Зажигалканинг ҳар бир босилганда, олов билан бирга мотам маршининг бир қанча текстлари ҳам ижро этилади.



ВЕНГРИЯ. Ўтмишда вилоят шаҳри ҳисобланган, ҳозирги пайтда эса республиканинг саноат марказн бўлиб қолган Залаэгерсегда маданий ҳаёт жўш урмоқда. Бу шаҳар чет эл шаҳарлари билан алоқа боғлаган. Бизнинг Херсон шаҳримиз у билан биродарлашган.

СУРАТДА: ўтган йил охирида шаҳарда очилган Шандор Хевешн номидаги драма театри биноси.

МТИ—ТАСС фотоси.



Барселона кўчаларида бундай экипажлар тўхтаб турганини камдан-кам кўрасиз. Испанияда туристлар етарлича. Уларнинг кўпларн бу мамлакатга фақат Барселонани кўриш учун келадилар.

АНД—ТАСС фотоси.

СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

● ГУЛЛАР ВИСТАВКАСИ

Братиславада «Флора—84» халқаро гуллар виставкаси очилди. Унда ер юзининг беш қитъасида ўстирилаётган гуллар намойиш этилмоқда. Анъанавий баҳорги бу виставкада жаҳоннинг қирқдан энёд мамлакати иштирок этяпти. Москвадаги Бош ботаника боғида етиштирилган анвойи гулларни Совет Иттифоқи виставкада намойиш этмоқда. Бой экспозиция гул ишқибозларини ўзига мафтун этмоқда. Очиқ майдонларда эса социалистик мамлакатларда гулчиларнинг меҳнатини енгиллаштирадиган махсус механизмлар кўрсатувга қўйилган. Хаваскор гулчилар виставкада кўрсатилаётган гулларнинг уруғини ҳарид қилиб олишлари, мутахассисларнинг маслаҳатларини тинглашлари мумкин. «Флора—84» доирасида илмий симпозиум ўтказилади. У атроф-муҳитни яхшилаш юзасидан шаҳарларни кўкаламзорлаштириш проблемаларига бағишланади.

● МУЙЛОВ ҚУЙГАН ЭНАГАЛАР

Ўтган асрнинг 30-йилларида Венгрияда болалар боғчаларининг тарбиячиларига фақат... йигитларни қабул этиш йўлга қўйилган эди. Кейинчалик бу касб моҳият-эътибори шунчалик ўзгариб кетдики, оқибат-натижада у венгер тилида том маънода аёлларники эканлиги аниқ-равшан бўлиб қолди. Лекин бу нарса ўз сўзида қатъий туриб олган уч венгер йигитини ана шу касбни эгаллаш орзусидан қайтара олмади. Улар Кечкемет шаҳридаги мактабга ариза бериб, ҳозир уни муваффақиятли тугаллашмоқда. Педагогларнинг кузатишларича «мўйлов қўйган энагалар» оилада отасиз ўсаётган болаларга айниқса маъқул келар экан...

● МЕТАЛЛ... ДЎЛ

Англиянинг Уокингем шаҳарчасида яшовчи Жон Ходдер ва унинг 13 ёшли ўғлининг ҳалок бўлишига бир баҳя қолди. Уларнинг уйи ва боғига металл дўл ёғилди. «Мен боғда ишлаётган эдим,— деб ҳикоя қиладн жароҳатланувчи, — бирдан бошим узра шовқин кўтарилди, осмондан эса металл парчалар туша бошлади». Металлнинг бир парчаси уй томини тешиб кетди, бошқаларн машина устига ва боққа тушди.

Кейин маълум бўлишича, шу кунн Лондоннинг Хитроу аэропортидан учган «Пан—Америкэн» компаниясига қарашли самолёт ерга қўнишга мажбур бўлган. Лекин самолётнинг битта двигатели осмонда узилиб кетган эди, деб хабар беради «Таймс» газетасн.

● ХОТИНИНИ... СОТГАНИ УЧУН

Манила полицияси ёш бир йигитчани бўйнига оғир айб қўйган ҳолда камоққа олди. 18 ёшли Жонсон Гоу ўз хотинини 1000 песога (70 америка доллармга яқин) сотиб юборган. Сотиб олган одам Японияннинг жиноий «Якудза» синдикатининг аъзоси бўлиб, у қочишга эришган.

Кишининг тепа сочини тикка қиладиган бу хабарни Манилада чиқадиган газеталар қаҳрғазаб билан шарҳламоқдалар. Улар Ж. Гоуни қоралаш билан бирга бир нарсага эътиборни каратиб, ёш йигитча бундай жиноятга ночор аҳволда қолганлиги сабабли қўл урган, деб таъкидламоқдалар. Чунки, у ҳар канча уринмасин барибир ишсизлигича қолиб кетган, айниқса кейинги пайтдаги ишчиларнинг ишдан оммавий бўшатилиши хаётдан ўз ўрнини топиб олишдаги сўнгги умидини пучга чиқарган.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

11 МАЙ, 1984 й.

МЕДИЦИНА ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ТАШҚНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ТОШКЕНТДАГИ «МЕДИЦИНА» НАШРИЁТИДА ЧОП ЭТИЛГАН МЕДИЦИНА СПРАВОЧНИКЛАРИНИ

СИЗНИНГ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАДИ

Пўлатов А. М., Никифоров А. С., Асаб касалликлари семиотикаси бўйича справочник (неврологик аломатлар ва синдромлар). Тузатилган ва қўшимчалар киритилган 2-нашр, 1983 йил. Баҳоси — 1 сўм 50 тийин.

Бу китоб врач невропатологлар учун мўлжалланган, лекин кўпгина аралаш ихтисосликдаги (нейрохирургия, психатрия, эндокринология ва бошқа ихтисосликдаги) врачларга фойдали бўлиши мумкин.

Василенко Б. Х. ва бошқалар. Юрак пороги. 1983 йил. Баҳоси— 1 сўм 30 тийин.

Врачларнинг кенг доираси ва медицина ўқув юртларининг студентларига мўлжалланган.


Педиатр справочниги (авторлар М. М. Алимова, А. Г. Антонов ва бошқалар), СССР Медицина фанлари академиясининг академиги М. Я. Студеникин таҳрири остида. 1984 йил. Баҳоси — 3 сўм 70 тийин.

Бемор болаларга хизмат кўрсатиши лозим бўлган врачларнинг кенг доираси ва бошқа ихтисосликдаги врачларга мўлжалланган.

ЮҚОРИДА НОМЛАРИ КЎРСАТИБ ЎТИЛГАН КИТОБЛАРНИ «МЕДИЦИНА» МАГАЗИНИДА (ЖУКОВСКИЙ КЎЧАСИ, 54-УЙ) ВА ШУНИНГДЕК ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН:

2—Навоий кўчаси, 42-уй;
3-Октябрь бозори;
9— Новомосковская кўчаси, 31-уй;
11-М. Горький кўчаси, 73-уй;
16— Гагарин кўчаси, 66-уй;
18—Сергели, 9 квартал, 69-уй;
23— Фарҳод кўчаси, 58-уй;
24—Ленин кўчаси, Марказ—5 квартали, 60-уй;
29—Ш. Руставели кўчаси, 120-уй;
30 — Краснопресненская кўчаси, 37-«а» уй;
32 —Бодомзор массиви, 8-уй;
38— медицина шаҳарчаси, 12-ётоқхона;
41—«Қорасув—2» массиви, 18-уй.

СИЗГА РЕМОНТ ЮМУШИ КЕРАКМИ?



РЕМОНТ ИШЛАРИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ВА СИФАТЛИ БАЖАРИШ УЧУН

ўз материалидан ва буюртмачининг материалидан (аҳоли маблағи ҳисобига) ремонт ишларини бажарадиган Тошкент шаҳар уй-жой бошқармаси қошидаги

1-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРМАГА

МУРОЖААТ ЭТИНГИЗ

Бошқарманинг усталари деворларга гул қоғозларни ёпиштирадилар, бўяш ва кошинлаш ишларини бажарадилар, полга линолеум, паркет ётқизадилар, сантехника ускуналарини алмаштириб берадилар.

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ПУНКТЛАРИ ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРДА ЖОЙЛАШГАН:

Чилонзор массиви, 6-квартал, 46-уй, 86-квартира. Телефон 78-29-10;

Чилонзор массиви, 11-квартал, 36-уй, 62-квартира. Телефон 76-14-47;

Сапёрлар кўчаси, 56-уй (бу ерда шишалар бадиий ва манзарали пардозлаш кошинлари бадиий ишловдан чиқариб берилади);

Қорақамиш массиви, 2/4, 38-уй, 2-квартира;

Сергели—2, 8-уй. Телефон 58-28-33.

Ихтисослаштирилган 1-бошқарма қуйидаги адресда жойлашган: Тошкент шаҳри, 1-Пушкин проезди, 6-уй (1э, 17э, 24э-автобуслар, 4, 5, 17, 18-троллейбуслар, 3, 22, 23, 29-трамвайларнинг «Дархон ариқ» бекати, метронинг «Ҳамид Олимжон» станцияси).

Телефонлар: 33-06-22, 33-10-53.

ШАҲАР УЙ-ЖОЙ БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ 1-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРМА (телефонлар: 33-06-22, 33-10-53).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА ИШЛАБ ТУРИБДИ.

БЮРО ИХТИЁРИДА КОРХОНАЛАР, ҚУРИЛИШЛАР ВА ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИДА, ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТЛАРИДА ВА БОШҚА МУАССАСАЛАРИДА ИШЧИ КУЧИ ВА МУТАХАССИСЛАРГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖ ТЎҒРИСИДА ТЎЛА МАЪЛУМОТЛАР БОР.

Бюро сизнинг истагингизни инобатга олган ҳолда ишга жойлашишингизга ёрдам беради, ёшлар ётоқхоналари, болалар муассасаларида жой борлиги тўғрисида, меҳнат шароити ва унинг ҳақи, корхонанинг турли хил имтиёзлари тўғрисида маълумотлар беради.

ВАҚТИНГИЗНИ ТЕЖАНГ!

Бизнинг хизматимиздан баҳраманд бўлингиз!

ИШГА ЖОЙЛАШИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИНГИЗ:

Марказий пункт— Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона,
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 64-уй.
Ҳамза район пункти —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Киров район пункти— Энгельс кўчаси, 48-уй.
Собир Раҳимов район пункти— Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Акмал Икромов район пункти —Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти — 2-квартал, 69-уй.

ШАХСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИДА МАНСУБ БЎЛГАН УЙЛАРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛИБ ГАЗ ҚУРУМИ ДУДБУРОНДАН ЧИҚАДИГАН ГАЗ АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

1984—85 ЙИЛЛАР ИСИТИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ГАЗ АСБОБЛАРИ ДУДБУРОНЛАРИ ВА ВЕНТИЛЯЦИЯ КАНАЛЛАРИ ОММАВИЙ ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗИЛАДИ.

ТЕКШИРУВ ИШЛАРИНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЎНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРИШ ЖАМИЯТИНИНГ ПЕЧКАЧИ —ДУДБУРОН СОЗЛОВЧИЛАРИ ПЛАНЛИ ТАРТИБДА ЛЕНИН, ОКТЯБРЬ, АКМАЛ ИКРОМОВ, КУЙБИШЕВ, ЧИЛОНЗОР, РАЙОНЛАРИДА;

ШУНИНГДЕК, «ТАШСТРОЙРЕМБИТ»НИНГ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ УЧАСТКАСИ ХОДИМЛАРИ: **Киров, Сергели, Фрунзе, Собир Раҳимов ва Ҳамза районларида текширувдан ўтказадилар.**

Дудбуронлар ва вентиляция каналларининг профилактикаси ва ремонти масалалари бўйича турар жойлар бўйича район ва газ идораларига, шунингдек Тошкент шаҳри, Красновосточная кўчаси, 114-уйдаги Тошкент шаҳар кўнгилли ўт ўчириш жамиятига; Тошкент шаҳри, Алиев кўчаси, 72-уйдаги «Ташстройрембит» хўжалик ҳисобидаги участкасига мурожаат этиш мумкин.

Район эксплуатация хизматига дудбуронларнинг ишга яроқли эканлиги тўғрисидаги актлар ўз вақтида тақдим этилмаган ҳолда, 1984 йилнинг 1 ноябридан кейин қуруми дудбурондан чиқиб кетадиган газ приборлари огоҳлантиришсиз узиб қўйилади.

«ТАШГАЗ» БИРЛАШМАСИ.
ТОШКЕНТ ШАҲАР КЎНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРИШ ЖАМИЯТИ. «СТРОЙРЕМБИТ» ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ РЕМОНТ БОШҚАРМАСИ.

БОЛАЛАР ҚАНДАЙ НАРСАЛАРНИ СЕВИШАДИ?

Боболар ва бувилар, дадалар ва оналар, Шарик лақабли кучукча ва «Хайрли кеч, эркатойлар» телевизион кўрсатуви: яна бир талай чиройли ва қувноқ ўйинчоқлар. Болаларнинг қувноқ оламини ана шуларсиз тасаввур этиш қийин.

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗНИ ЎЙИНЧОҚЛАР БИЛАН ҚУВОНТИРИНГ



Ранг-баранг ҳайвон ўйинчоқларидан ўзига хос ҳайвонот боғини муҳайё этиш мумкин.

Унда сержун олапар, маймоқ айиқ, ўтакетган шум маймун яшайдиган бўлади.

«Настенька», «Аля», «Василиса» — кўк кўзли, қизғиш, қўнғироқ сочли, чиройли кўйлакчаларни кийган бу ўйинчоқлар албатта қизалоқларга манзур бўлади.

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАКАНА-САВДО ФИРМАСИ (телефон 42-56-41).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (45-37-24).

ТВ

ЖУМА

11 МАЙ

● МТ I

17.40 М. Мусоргский номли Урал Давлат консерваториясининг ўқитувчилари ва студентлари ижро этади.
18.05 Мультфильм.
18.45 «Фан ва турмуш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Юр, кўрасан». Вятка дарёси ҳақида телефильм.
19.45 М. Фрадкин асарларидан концерт.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Спартак».
23.45 «Дунё воқеалари».
24.00 Тинчлик велосипед пойгаси. ГДРдан олиб кўрсатилади.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Москва юлдузлари» санъат фестивали. Концерт.
19.40—20.30 Э. Асадов поэзияси.
20.55 «Дунё ва ёшлар».
21.30 «Время».
22.00 «Экилмаган жавдарининг гуллаши». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Баҳор нашидаси». Ўткир Рашид.
18.35 «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат» (рус.).
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор»—МАСК. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.).
20.50 «Ахборот».
21.10 «Бошланиши». Катталар учун мультфильм.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Дунё воқеалари».
22.30 «Эртага—премьера». Кинокўрсатув.
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Ўқув программаси.
18.50 Болалар учун фильм. «Қойилмақом Фердинанд» (рус.).
19.50 «Педиатр маслаҳати».
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Китоб дўстлари».
20.55 «МХАТ мактаб-студиясининг 1-курсида». Ҳужжатли фильм, 2-қисм (рус.).
21.30 МТ II.

ШАНБА

12 МАЙ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Ўсмирлар ижоди».
10.25 «Спортлото»нинг 19-тиражи.
10.35 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
11.05 «Дўстлик ва ҳамкорлик йўлларидан». СССР билан Болгария Халқ Республикаси ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳақида киноочерк.
11.30 «Сизни қизиқтирган адабиётлар».
12.15 Б. Чайковский. 3-«Севастополь» симфонияси.
13.00 «Тўхтахон опанинг алласи». Телефильм премьераси. «Улкан тақдир эгалари» туркумидан.
13.30 «Мардлик қонунига биноан». Кўрсатувни ёзувчи Ю. Семёнов олиб боради.
14.00 Халқ бадиий ижоди Бутуниттифоқ кўриги.
14.20 «Сиз бунга қодирсиз».
15.05 «Дунё воқеалари».
15.20 Болалар учун фильм. «Уддабурон Берендеев».
16.25 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
16.55 «Опера солисти — Леонид Сметанников». Фильм-концерт премьераси.
17.30 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.
18.00 Мультфильм.
18.20 «Қасосдан қочиб юрганлар». Ҳужжатли фильм премьераси.
19.10 «Ҳайвонот оламида».
20.10 «Месье Ленуар, қайсики...» Телеспектакль премьераси. 1-қисм. Автор—А. Салакру.
21.30 «Время».
22.05 «Месье Ленуар, қайсики...» 2-қисм.
23.25 Оперетта артистларининг концерти.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 «Спорт ҳақида ҳужжатли фильмлар.
10.10 «Тонгги почта».
10.40 МОЛДАВИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
11.50 «Жаҳон музейлари бўйлаб». Кинокўрсатув.
12.35 «Мана шундай мўъжизалар». Телевизион бадиий фильм премьераси.
13.40 «Саёҳатчилар клуби».
14.40 Союзлар уйининг Колонна залида санъат усталарининг концерти.
16.00 М. Горький. «Егор Буличов ва бошқалар». Фильм-спектакль.
18.35 «Музикали киоск».
19.05 «Қияликдаги уй». «Қишлоқ қиссалари» туркумидан телефильм.
20.15—20.30 «Халқаро обзор».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.00 «Москва юлдузлари» санъат фестивали. Концерт.
22.00 «Дунё воқеалари».
22.30 «Эртага—премьера». Кинокўрсатув.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Ёш гвардия». Бадиий фильм. 1-серия (рус.).
11.55 «Ўзбек киноси усталари». ЎзССР халқ артисти С. Хўжаев.
12.55 «Ҳовлимиздаги стадион» (рус.).
13.25 Адабий театр. Азим Суюн. «Она-Ер нидоси».
14.05 «Буни ҳамма билиши ва удалаши керак».
14.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор».
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Мўъжизалар оламига саёҳат».
19.00 «Ота-оналар университети».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Санъат ва меҳнат ҳамкорлиги».
20.15 «Ҳамма нарсани билишни истайман». Киножурнал.
20.30 «Ахборот».
20.50 Бобомурод Ҳамдамов куйлайди.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ғўза парваришига — аъло сифат».
22.25 Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан.
23.30 Кўрсатувлар программаси.

● 17.55 — 21.30 ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов районидаги 124-ўрта мактаб томонидан **Алимов Абдураззоқ Имямнович** номига берилган 618504 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА

«ТАШКНИГОТОРГ» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ

Джованьолининг «СПАРТАК» ва О. Генрининг «ҲИКОЯЛАР» китобларига берилган абонементлар муддатини

1 ОКТЯБРГАЧА

УЗАЙТИРДИ

СССР Алоқа министрлигининг

ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИ

1984—85 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЕХНИКУМГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

ТЕХНИКУМ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **телевизион техника ва радиореле алоқаси, район электр алоқаси ва радиолаштириш, автомат-электр алоқаси, линия-кабель иншоотлари алоқаси, почта алоқаси, кўп каналли электр алоқаси, телеграф алоқаси ва ахборотларни узатиш, бухгалтерия ҳисоби** (сиртқи бўлимга).

Техник ихтисослар бўйича кундузги бўлимда 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 3 йилу 10 ой, ўрта маълумотлилар учун эса 2 йилу 8 ой; почта алоқаси ихтисоси бўйича ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати — 10 ой.

Техника ихтисослар бўйича 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 5 йилу 10 ой, ўрта маълумотлилар учун 3 йил; почта алоқаси бўйича ўрта маълумотлилар учун 2 йил, бухгалтерия ҳисоби ихтисоси бўйича ўрта маълумотлилар 2 йил ўқийдилар.

Бошқа шаҳарлардан келиб кундузги бўлимларга қабул қилинганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Кундузги бўлимда муваффақиятли ўқийдиган ўқувчилар учун ҳар ойда 30 сўмдан, аълочиларга эса 30 сўмга 25 процент қўшиб стипендия берилади.

ТЕХНИКУМНИНГ КУНДУЗГИ БЎЛИМИНИ «ИМТИЁЗЛИ» ДИПЛОМ БИЛАН БИТИРГАНЛАР ЎҚИШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ УЧУН ИНСТИТУТЛАРГА ЙЎЛЛАНМА БИЛАН ЮБОРИЛАДИЛАР.

ТЕХНИКУМДА ЎҚУВЧИЛАР УЧУН 50 ПРОЦЕНТ АРЗОН НАРХДА ОВҚАТЛАНИШ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Кундузги бўлимга ариза ва ҳужжатлар 8-синф ҳажмидаги маълумотлилардан 1 ИЮНЬ—31 ИЮЛЬ КУНЛАРИ, ўрта маълумотлилардан 1 ИЮНЬ —10 АВГУСТ КУНЛАРИ қабул қилинади. Сиртқи бўлимга эса 10 АВГУСТГАЧА ҳужжатлар қабул қилинади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), 286-формадаги медицина справкаси, 2х5 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишлайдиганлар учун).

Техникумнинг кундузги ва сиртқи бўлимларига кириш имтиҳонлари 8 синф ҳажмида маълумотлилардан 1—20 АВГУСТ КУНЛАРИ: математика (оғзаки), **она тили** (диктант); **ўрта маълумотлилардан эса математика** (оғзаки), **она тили** (иншо)-**дан имтиҳон ўтказилади.**

Техникум адреси: 700189, Тошкент шаҳри, 189-алоқа бўлими, У. Юсупов кўчаси, 70-уй (44, 48, 97-автобуслар; 10-троллейбуснинг «Лабзак» бекати, 10, 23, 27-трамвайларнинг «Алоқа политехникуми» бекати). Телефонлар: 41-35-58, 41-35-68.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

46-КЕЧКИ-СМЕНАЛИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984—1985 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Радиотелевизион аппаратуралар ремонти ва хизмати бўйича радио-телемеханик—пуллик группа, битириш эркин; автомобиллар ремонти бўйича слесарь, телефон ускуналари монтажи бўйича алоқа монтажчиси, 09 ахборот-справка хизматининг телефонисти, шаҳар телефон станцияларининг кабель-кавшарловчиси, электромонтёри.

Алоқа монтажчилари ва 09 ахборот-справка хизматининг телефонистлари группасига 8—10 синф ҳажмида маълумотли, 16 ёш ва ундан катта бўлган қизлар қабул қилинадилар; шаҳар телефон станциялари электромонтёрлари ва автомобиллар ремонти бўйича слесарлар группаларига 8—10 синф ҳажмида маълумотли, 17 ёш ва ундан катта ёшлар қабул қилинадилар.

БИЛИМ ЮРТИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА БОШҚА ШАҲАРЛАРДА ПРОПИСКАСИ БОР КИШИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Билим юртига ўқишга кирганларга танлаган ихтисослигига қараб 56—75 сўм миқдорида стипендия тўланади.

Радиотелемеханиклик ихтисослигидан ташқари бошқа ихтисосликлар бўйича ўқувчиларнинг ўқиш муддати бир йил.

Радиотелемеханиклик ихтисослигидан ташқари бошқа ихтисосликларни битирган ўқувчилар база корхоналарига ўқишга юбориладилар.

Машғулотлар 1 сентябрда ва группаларнинг комплектланишига кўра бошланади.

Билим юртини битирган ўқувчилар ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишга киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак бўлади: билим юрти директори номига ариза, автобиография, справкалар; турар жойидан, медицина (286-формали), 4 та фотосурат (3х4 см.), маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки 9 синф учун табель.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 15-алоқа бўлими, Ленин районн, Кафанов кўчаси, 61-уй (8, 9, 10, 24-трамвайларнинг «Кафанов кўчаси» бекати. 2, 5-трамвайлар; 2, 3, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИДА ДАМ ОЛИШ КУНИ ЛЕКТОРИЙСИ

«Жаҳон музейлари дурдоналари»

ЛЕКЦИЯЛАР ЦИКЛИ

13 май — ЛУВР (лекциянинг биринчи қисми).
20 май — ЛУВР (Француз живописи).
27 май — РУС ДАВЛАТ МУЗЕЙИ.
3 июнь — ИСПАН ДАВЛАТ МУЗЕЙИ.
10 июнь — ТРЕТЬЯКОВ ДАВЛАТ ГАЛЕРЕЯСИ.

Лекцияларни илмий ходимлар ўқийдилар, суҳбат чоғида рангли ва оқ-қора тасвирли диапозитивлар кўрсатилади.

Лекциядан кейин санъатга доир фильмлар намойиш этилади.

Лекциялар соат 12.00 да бошланади.

Музей адреси: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 16-уй.

ДОСААФ ЛЕНИН РАЙОН СПОРТ-ТЕХНИКА КЛУБИ

«В» ва «С» категорияли профессионал шофёрларни тайёрлайдиган

5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

«А» категорияли мотоцикл ҳайдовчиларини тайёрлайдиган

2,5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўтказилади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Октябрь революцияси кўчаси, 20-уй.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 11/V да Шекспир асарлари бўйича балет триптихи, 12/V да Борис Годунов.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/V да Б... буниссо, 12/V да Қиёмат қарз...

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/V да Гулсара..., 12/V да Лайли ва Мажнун.

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Сувда цирк» Москва циркининг гастроли (11/V да 19.30 да).

кино

11 МАЙДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«БЎРИ УЯСИ» — **Са... саройи** (катта зал, 16, 18..., 20.45; кичик зал, 16, 19..., телефон 44-21-74), **Чайка** (... 18.30, 21.00, телефон 77-...20).

«ОППОҚ ШУДРИНГЛАР» — **Ватан** (жуфт соатларда), **Фестиваль** (21.20, телефон 32-...02), **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Дўстлик** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Москва** (... соатларда, телефон 33-05-0...).

«МЕН СЕНИ УНУТМАЙМАН» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 58-36-06).

«АЙБДОР ДЕБ ТОПИЛСИН» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Тошкент Советнинг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон ...24-92), **Хива** (21.20, телефон 32-78-02), **Восток** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 91-14-61), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (... соатларда, телефон 33-44-5...).

«ЁЛҒИЗЛАР ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ИЗҚУВАР» — **М. Ш... зода номли** (17, 20.00, телефон 42-39-74).

«КУТИЛМАГАН КЎЧКИ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«ҚИШЛОҚ ОРТИДА ОТИШМА» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

12 МАЙДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«БЎРИ УЯСИ» — **Са... саройи** (катта зал, 11, 13..., 16, 18.30, 20.45; кичик зал, 12, 14.30, 16, 19.30, телефон 44-21-74), **Чайка** (11, 13.30, ... 18.30, 21.00, телефон 77-06-2...).

«ОППОҚ ШУДРИНГЛАР» — **Ватан** (жуфт соатларда), **Фестиваль** (21.20, телефон 32-7...02), **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Дўстлик** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Москва** (... соатларда, телефон 33-05-0...).

«ЕНГИЛМАС» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 5...36-06).

«АЙБДОР ДЕБ ТОПИЛСИН» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Тошкент Советнинг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-9...), **Хива** (21.20, телефон 32-7...02), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (тоқ соатларда, телефон 33-44-52).

«ЁЛҒИЗЛАР ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ИЗҚУВАР» — **М. Шайхзода номли** (11, 14, 17, 20..., телефон 42-39-74).

«ҚИШЛОҚ ОРТИДА ОТИШМА» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ:

11 майда — ШЕКСПИР АСАРЛАРИ БЎЙИЧА БАЛЕТ ТРИПТИХИ.
12 майда — БОРИС ГОДУНОВ.
13 майда — УЙҚУДАГИ ГЎЗАЛ (12.00), ФЛОРИЯ ТОСКА (19.30).
16 майда — НАВРЎЗ.
17 майда — СЕВГИ ҲАҚИДА ҚИССА.
18 майда — ТРАВИАТА.
19 майда — ТУМАРИС (премьера).
20 майда— ФИРИБГАРНИНГ НАЙРАНГЛАРИ (12.00), ЖИЗЕЛЬ (19.30).
22 майда — ИОЛАНТА.
23 майда — ДУНЁНИНГ ЯРАТИЛИШИ.
24 майда — КОНЦЕРТ.
25 майда — ОЙҚУШ КЎЛИ.
26 майда — ПЕТР БИРИНЧИ.
27 майда — ГЎЗАЛ ВАСИЛИСА (12.00), РИГОЛЕТТО (19.30).
29 майда — ФАУСТ.
30 майда — ТУМАРИС (премьера, 17.00).
31 майда — ПИКОВАЯ ДАМА.

Билетлар сотилмоқда.

«Ташплодоовощ» бирлашмасининг Акмал Икромов район чакана-савдо конторасининг 5-магазинининг йўқолган ПЕЧАТИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

4 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ БЕТ

11 МАЙ, 1984 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-5...; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р—09241. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11